


8
5

IK

ХАКИМ НАЗИР

КЕНЖАТОЙ



Уз 2
Н 18

ҲАКИМ НАЗИР

КЕНЖАТОЙ

(қисса)



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1992

Ҳаким Назирнинг «Кенжатой» қиссасида ишчилар синфининг ёш авлоди ҳақида ҳикоя қилинади. Асар бош қаҳрамони Собирнинг бобоси темирчи ўтган, отаси — механизатор. Собир, эл-юрт манфаати йўлида қурбон бўлган отасининг вафотидан сўнг, мактабни тугатиб, шаҳарга — ҳунар-техника билим юртига отланади. Лекин онаси унинг ўз бағрида бўлиб, «фойдалироқ» ишда ишлашини хоҳлайди.

Қиссада Собирнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш учун қўйган дастлабки қадамлари, билим юртидаги ўқиш жараёнида дуч келган қийинчиликларни енгилда характерининг тобланиши, илк муҳаббати ҳақида ҳикоя қилинади.

Қисса 1975 йилда ҳунар-техника билим юртлари ҳаётига оид энг яхши асарлар республика конкурсиди биринчи мукофот ва диплом олди. Асарнинг рус тилидаги нашри эса 1984 йили «Ёш ишчи» шиори остида ўтказилган Бутуниттифоқ конкурсиди тақдирланган.

«Ёш гвардия» нашриётининг 1976 йилги нашрига мувофиқ муҳаррир А. Зиёдов кузатуви остидаги қайта наشري

Н 18

Назир Ҳаким.

Кенжатой: (Қисса) // Ўрта ва катта ёшдаги мактаб болалари учун/. — Т.: Ўқитувчи, 1990. — 144 б.

Назир Ҳаким. Кенжатой: (Повесть).

Ўз 2

4803620201 — 291
Н ————— 9 — 90
353 (04) — 92

ISBN 5-645-00608-9

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992

«ЎЗИНГ КИМСАН?»

Собир қўлига иланга тутиб олиб, йўлатдаги янгиғина қизил «Москвич»ни юварди. Ўзр ҳафсала билан уришиб машинанинг томидан гилдирақларигача тозаларкан, бут-дён ранг бетлари-ю, офтобда қорайиб кетган бўйишларига тер қўйиб кетди. Чинидай ярқираган машинанинг у ёқ-бу ёнга қарай-қарай, водопроводда ювинишга киришганда, кенг ҳовлининг бурчидаги ҳаммомчадан ункадай қизариб пунти никамада Сўфиев чиқди. Собирга кўзи тушиб:

— Жуда гапрат қилиб юборибсан-ку, жиянча, баракалла, баракалла фаросатингга. Машинага ишқивозлигинг кўришиб турибди, — деб қўйди хурсандликдан ва пешайвонлик дангиллама уйнинг одам бўйи баланд қилиб қўрилган цемент илланоясига кўтарилади.

Ошхонага кириб-чиқиб турган қотма, сочи ошпоқ, серҳаракат, очик юз камшир попушта тайёр бўлгач, Собирни ичкарига чақирди.

Шилари кунгурадор, деворларига кийик, қуш ва гул расмлари ранг-баранг бўёқда чапланган, бутун полни қонлаб чўгдай гилам тўналган зал. Тўқин дастурхон атрофидан жой олинди. Умрида биринчи марта шундай ҳашаматли жойни кўраётганди Собир. Сариқ чарм қонланган каттағина юмшоқ стулнинг ярмичасига жо бўлиб қимтиниб ўтирди-ю, нимага қўл узатинини билмай турди.

— Ол, жиянча, бемалол, бу ер ҳам ўз уйингдай. Ҳа, қаришдош деган унақа тортинмайди, — деб Сўфиев унинг олдига товук гўшти билан ёғлиқ натирдан суриб қўйди. Собирнинг кўзига яқинда танинган бу узоқ қаришдоши шу тобда буткул бошқача кўришиб кетди: башанг, охори тўқилмаган, катта енг, носвой ранг костюми, куёвлар киядиган қаламшир нусха маргилонча дўнииси унинг савлатини ошириб юборганди. Ёни элликларга бориб қолган бўлса-да, у Собирнинг кўзига йигитдай кўринди. Ахир пешанасида ажин йўқ, сочидаги битта-иккита оқи ҳам билинар-билинимас, дўни юзлари арчилган тухумдай, чағир кўзлари шўх чақнардди. Унинг Собирга негадир ўзини жуда яқин олаётгани бутун ҳаракати, муомаласидан

кўриниб турарди. — Шунақа қилиб билим юртига кирадиган бўлдим, дегин-а? Бугун буйруқ чиқини аниқмиди?

Собир пайваста қонини чимириб, ихчамгина елкасини қисиб қўйди.

— Ҳа, нега иккиланяпсан, жиянча?

— Оладим-йўқми, ким билади? — деди нимадандир гумони борлигини сездириб Собир.

— Олади. Нега олмасакан! Башарти-чи, жиян, — деди Сўфиев ўзига ортиқча ишонган одамдай, — ул-бул деса, директорга мени айтгин. Сўфиевнинг жияниман десаңг, бас. Танийди. Ўзининг базага иши тушиб туради...

Понуштадан сўнг Собир шошилиб чиқаётган эди, Сўфиев бирга кетамиз, деб тўхтатди. Машинага чиқишлари билан алланарса эсига тушди, ўтиргичнинг тагидан духоба нарчаси олиб, машинанинг олди ойнасини ярқиратиб артди-да:

— Кўз олдинг равшан бўлса, қоқилмай юрасан... — деб қўйди. Собир, чала иш қилибман дея ўзича истихола чекаркан, дилидан ўтказди: «Ҳар ҳолда жуда миришкор, ақлли одам кўринади».

Сўфиев Собирни билим юрти дарвозасига қўйиб ўтди. Темир дарвоза ёнидаги кўк эшикда икки ўсмир навбатчи бўлиб турарди. Улардан — қўлига қизил лента бойлаган, малла юзлари сенкил, ўрта бўйлиги Собирнинг рўпарасига чиқди-да, икки оёғини таппа жуфтлаб қўлини чаккасига қўйиб:

— Навбатчи Жения Петров сизни билим юртимизга ташириф буюришингиз билан қутлайди! — деди-ю, бу қилинган ўзига нағъа қилиб, хахолаб юборди. Собир гаши келса ҳам ишлагини бузмай тураркан, Жения давом этди. — Ўзингга етгудай димоғдор кўринасан. Даданг амалдорми дейман-а? Энди кунга машинада келаверарсан-а?

— Кунга дейсанми, Жения? — деди унинг ёнида бешиктебратардай ликиллаб турган найновчи. — Аввал сурагин-чи ундан: печа кунга чидаркини буида? Биринчи болга ургандаёқ қўли қалтираб, «вит» деганча уясига умарилиб қолмасмикин?

— Менимча, Зокирвой бу «вит» дейдиган хилиданга ўхшамайди, — деди Жения, Собирнинг калта енгидан чиқиб, олмадай бўртган биллак мускулини эзиб кўриб. — Воксёрмисан, дейман-а, бола?

Собирнинг эисаси қотиб кетганидан жавоб ҳам бермади ва:

— Сенларни ким корчалои қилиб қўйди! — деди-ю,

иккаласини икки ёққа туртиб, ичкари кирди. «Қорчалон»лар Собирни қанчалик қалақа, ҳазил-мазах қилинмасини, лекин уларнинг муомаласидан ўзига зарур нарсани билиб олгандай бўлди: «Демак, қабул қилинган бўлсам керак...»

Атрофи икки-уч қаватли эски бинолар билан қуршалган, сердарахт, салқин ҳовли гавжум. Айниқса, «Қабул комиссияси» деб ёзиб қўйилган тўрдаги бино эшиги тирбанд. Унга кириб-чиқаётганларнинг аксари қабулдан ўтгани учун бўлса керак, оғзи қулоғида. Собир югура, шовқин чиқиб турган узун йўлакка ўзини урди-ю, девор бўйлаб ёпиштирилган рўйхатларга ҳовлиқиб кўз югурта бошлади. На «С» ҳарфида, на «Қ» ҳарфида унинг номи бор. Яна қайтадан қараб чиқаркан, бирдан кўзи ўчирилган номга тушди. Ҳа, ҳа, унинг исм-фамилияси устидан қизил қалам тортилибди... Нега ундай бўлдийкин? Уни қабул қилишмадимикин? Паҳотки гумони тўғри чиққан бўлса!.. У, бўшашиб, лунжи осилган ҳолда бир чеккага чиқиб, нима қиларини билмай турарди. Шовқин-сурон кўтарган болаларни тартибга чақириб юрган кўзойнакли, таниш бир йигит дуч келиб қолди. Собир Тошкентга келиб тушган кун бириинчи сўзлашган кишиси шу эди. Янглишмаса — фамилияси Умаров. Ўшанда Собирга яхши маслаҳатлар бериб: «Бизга кирсанг, мана мундоқ хунараманд қилиб чиқарамиз!» деб бош бармогини кўрсатган. Бундан уч кун бурун Собир қабул комиссиясидан ўтган пайтда ҳам қўллаганди. Ҳозир воқеани эшитиб, ҳайрон бўлди-да:

— Унақа бўлса директорга кириб гаплашгин. Мен ҳам кирарман, — деди.

Собир «директор» деб ёзиб қўйилган кабинет эшигида анча вақт киришга юрак бетлолмай турди. Бир пайт эшик очиларкан, ичкаридан «Кираверинг», деган овоз уни чақирди. Ёши қирқлардан ошмаган бўлса-да, жингалак сочларига кумуш қиров қўнган, бароқ қош, хушмўйлов, ўткир кўз, бутун вужудидан нур, куч ёғилиб турган одам Собирни очик чехра билан кутиб олди. Собир хийла дадилланди. Арзини айтди.

— Қодиров Собир дедингми, укажон?.. — Директор стол устидаги дафтарни варақлаб, унинг номини топди ва иложи борича мулойим қилиб деди. — Ҳозирча сени қабул қилолмадик, укажон...

— Битта справка учунми? — деди Собир чўчиб. Унинг топшириб кетган папкасидаги ҳужжатлар орасида фақат совхоздан справка йўқ эди.

Директор Собирнинг нафасини тониб очди...

— Ҳа, битта ҳужжат кам... Аммо қолдирилганинг, очиги, фақат шунинг учунмас... Сен, укажон, ўтган куни, — директор Собирнинг ёнига ўтди-да, аста овозда суради, — кўчада нима иш қилиб қўйдинг-а?..

Собир нафаси ичига тушиб, ерга қараб қолди. «Шу ерғам етиб келдим-я, ўша гап!..»

Директор Собирнинг қўлини устидан кеча милиция бўлимидан хат тушганини билдирди ва:

— Бўлган воқеани ўз оғзингдан эшитишим керак. Ҳа, тортинмасдан айтиб берақол, укажон, — деди меҳрибонлик билан.

Собир узи билан оталарча куйиниб сўзланаётган директор олдида уятдан тили айланмасди. Фақат уни хафа қилгани келмагани ва ўқувга киришдан умидини узолмагани учун юрагининг бир чеккасини очди. Ўшанда ҳам «бир безори ҳужум қилди» дейишга иззат нафси йўл бермасдан, «биттаси билан уришиб қолдим» деди. Директор бу жавобдан қаноатланмади.

— Ахир бекордан-бекорга уришиб қолмагандирсан. Бирон сабаби бордир-а? Ийнайкейини, ким олдин мушт кутарди?

Собир чурқ этмай тураверган, директор сая қизинди.

— Мен сени бундай деб уйламагандим. Барибир биздан сир яшириб кетолмайсан. Ҳаммасини аниқлашимиз, текширишимиз зарур, бошдан-оёқ... — У сая тўхтаб, Собирга разм солиб турди, садо чиқмагандан сўнг, давом этди. — Ҳа, укажон, биз билан бекинмачоқ уйнаб утиришдан фойда йўқ. Билим юртимизга ким киритти, уни яхши таниб олганимиз керак. Агар бизда ўқиндан умидинг бўлса, ҳўн уйлаб келгини-да, бор гапни очиб солигин...

Директор шунга айтди-ю, гап тамом дегандан ўз жойига бориб утирди. Собир бутун умиди пучга чиққан одамдай шалвираб чиқиб кетаётган эди, Умаров кириб келди ва директорга:

— Бу болани мен таниб олганман, Қосим Ражабович, — деди. — Бу анави... Сирдарёлик машҳур механизатор Қодиржон Подировнинг ўғли экан...

— Биламан, — деди Қосим Ражабович. — Сен уртада ўтган гандан беҳабарсан ҳали. Шунақа номдор одамларнинг боласи ҳам баъзан...

Собир кўчама-кўча айланиб, узоқ тентираб юрди. Қайтиб борган, Сўфиевга нима деб жавоб беришини ўйлади.

Сўфиев уни ҳовли юзида кутиб олиб, табрикламоқчи бўлганди, Собир сир бой бермасликка ҳаракат қилиб:

— Ҳали буйруқ чиқмабди. Бир-икки кундан кейин учрашарканман,— деб қўя қолди.

Ҳар ҳолда «жиянча»нинг дами настигини найқаган Сўфиев, уни юпатган бўлиб:

— Ғам ема, мен бор. Умид билан келибсанми, умидингга етасан,— деди. Кейин аста сўзининг жиловини бошқа ёққа бурди: оламда ишнинг, касбининг хили кўплиги, уни таплаганда хўи ўйлаб, маслаҳатлашиб, яхшиесини, фойдалиесини билиб танлаш лозимлигини уқтира кетди. Бунга ўхшаш ўғитларни олдин ҳам қилганди-ку, ҳозиргиси аниқроқ, кескинроқ бўлди.— Борди-ю, сени бу ерга олмаса, садқан сар. Тошкентнинг даргоҳи кенг. Сени шундай жойга киритиб қўяйки, ичогинг мой устида бўлади. Ҳа, жиянча, ўша тақир-туқур темирчиликни баҳридан ўтиб қўя қолсанг ҳам ҳеч нарса қилмайди. А, нима дединг?

Буни Собир, худди елкасига тўқмоқ тунгандай, оғир олди. Шу сўзлари билан Сўфиев Собирнинггина эмас, унинг дадасини, бувасини ҳам ерга ураётгандай бўлиб туюлди. Кўзига узоқ қариндошни етти ёт бегонадан баттар совуқ кўришиб кетди.

— Барибир кираман! — деди Собир, Сўфиевнинг «маслаҳат»ларини ерда қолдиргандай.

— Тагини ўша ган! — деди Сўфиев нафси қойилганини билдирмасликка тиришиб ва тиржайиб.— Вола, ёшсан-да. Холсанглилло, умринг бўйи унутмайдиган бир яхшилик қилай десам, ўз фойдангни тушунмаясан, жиянча...

Собир унинг олдида туролмай эшик томон юраркан, Сўфиевнинг: «Эҳ, болаи лодон!» деб бўғилгани қулоғига етди.

«Лодон эмиш... Қанақалигимни сен ҳам, директор ҳам, бошқаси ҳам билмайди ҳали. Кўрсатиб қўяман ҳаммангга кимлигимни! Барибир кираман!..»

II боб

ШУМТАКА

Собир шўхлик-ўйинқароқликда ўз тенгдошларидан қолшмайдиган, ерга урса кўкка санчийдиган чиқди. Ойини Соттихонга бўлса, у оламдаги ҳамма болалардан ҳам

чатоқроқ, шумроқ кўринарди. Албатта, Собирнинг қилгу-
ликлари ҳаммадан кура оинисига ойна-очиқ кўриниб ту-
рар, кўпроқ унинг тинчилигини бузарди-да. Ахир, унинг
дастидан на ҳовлида ўз тирикчилигини қилиб юрган
товуқ-жўжаларга кун бор, на кечаси билан вояллаб
чиқиб, энди салқинида дам олаётган кучукка ва на ошхона,
ертўлалар туйнугида сичқон пойлаган мушукларга
ҳаловат бор. Собир буважонига ясаттириб олган камон-
часини қўлга тутдим, ўзини аλλαқайси кинода кўрган
машҳур баҳодирга ўхшатиб юборади, насткамда туриб
ҳалиги жониворларга чўндан йўнилган «найза» отиб
қолади. Қарабсизки, бир лаҳзада товуқ-жўжалар чир-
қирашиб, мушуклар миёвлашиб, итнинг жағи очилиб,
ҳовли гўё бўри оралаган кўрадай тўс-тўполон бўлиб
кетади. Шунда Соттихон ўғилчасини тутиб олиб урмоқ-
чи бўлар, ҳовлини гир айланттириб қува-қува тутиб
ололмай охири ўзи ҳолдан тояр, кўчага қочган ёки
дарахтдан сакраб томга чиқиб кетган Собирни қаргаб-
сиқтаганча қоларди.

Бу уйда Собирнинг кўпроқ суяладигани, эркаликлари-
ни кутарадигани — буважон эди. Нодир бува эски темир-
чи усталардан, ёши етмишдан ошган бўлса-да, ҳали
қўлидан болғаси тушмаган. Кейинги вақтларда совхознинг
устахонасига камроқ борса ҳам, уйда бекор ўтирмасди.
Бекор ўтиришга қўшнилари, ҳамқишлоқлари кўйишмасди
ҳам. Ҳовли этагида уста буванинг темир-терсак қалашган
у ёқ-бу ёққа кетганда эса унинг «йўқлигини билинтирмай»
Собир куйманишга тушади. (Ойисининг кўзини шамғалат
қилиб, албатта.) Бир кун у, қўшнилари чиқариб берган
тикув машинасини «текширмоқчи» бўлиб, буткул син-
дириб қўйди. Самоварни қайнатмоқчи бўлиб эритиб
юборди. Кўп «ишлаб» чарчагандан кейин, ўзига ўйин
ахтарди. Охири топди: ариқ бўйидаги сув бочкасининг
темир белбоғини кўп куч сарфлаш, болға омбурларни
зўр бериб ишлатиш натижасида кўчириб олди. Қарасаки,
тап-тайёр гилдирак. Мана энди Собир демаганингиз, ўчоқ
ковлайдиган сим косов учини айри қилиб эди-да, у билан
маза қилиб гилдиракни гилдиратиб юрган эди, ойиси келиб
қолди-ю, тутиб олиб дўннослай кетди. Бу — ётта бочкани
бузганига эди. Аммо тикув машинаси билан самовар ҳан-
гомаси маълум бўлган, Соттихоннинг фитоини фалакка
чиқиб кетди. «Сен темир-терсак жиннисига қачон ақл
киради-а!» деб қўлига косов олиб қувди. Собирнинг бах-

тига шу чоғ буваси келиб, иккинчи ора кирди. Нодир бува бузилиб ётган асбобларни кўздан кечирди. Ўзига олам-жаҳон таъинини ортганини билди, шунда ҳам одатдаги ялхаклиги билан:

— Нега бундай қилдинг, бўтам? — деб сўраган эди, Собир тилини чучук қилиб жавоб берди:

— Лемонт қиламан, дедим-да...

Нодир бува оппоқ узун соқолини серкиллашиб куларкан:

— Ана, ойиси, «лемонт» қилмоқчи бўпти бувасига боқишиб... Ҳа, майли, ўғил боланинг удли-шудликкинаси тузук. Тутаноқ бўлса ботгина йўлини топиб кетади дадасига ўхшаб, — деди-да, дарров иш бурчагига кириб, невараси «лемонт қилган» асбобларни тузатишга тушди.

Қайнатасининг сўзига баттар жиғи-бийрони чиққан Соттихон:

— Қачон бўлса шумтаканинг ёнини оласилар дадаси билан икковиз. Уни талтайтириб бузаётган ўзлариз, — деб қойилиб кетади. «Шумтака»ни «Хап, сапими!» дея яшиб кўяди. Собир эса «нима қилардиз мани!» деб тилни осилтиради-ю, бувасининг пинжига кириб, «лемонт»га қарашган бўлади.

Собир дадасини кам кўрар, бувасига суяниб ўсарди. Нодир ота Собирни ўз ўғил-қизларидан кўрган бошқа невараларининг энг кичиги бўлгани учунгина эмас, «бийрони, доноси» бўлгани учун ҳам кўпроқ суяр, уни эркалаб: «Кенжам, Кенжатоийм» дерди. Собир оёққа кирган чоғларда ҳам уни буваси ўз елкасида ортмоқлаб юрганини, боғчасига олиб бориб-олиб келганини кўнига кўриш мумкин эди. Совгаларнинг ҳам энг қиммати, кўрками шуники эди. Собир болаларга ўз бувасини мақтагани-мақтаган. У мақтамаса ҳам болалар Нодир бувани яхши билишар, унга «Қорбобо» деб, лақаб қўйиб олишганди. Янги йил кечасида «Қорбобо» бўлиб, болаларга нақ бир қопча совга улашган — Нодир бува эди-да. Бу ҳам майли-я, шу қиш кунлари эринмасдан неварачасининг уртоқларига қордан «Айиқ полвон», «Қорқиз»лар ясаб, буларга дўндириб шолгомдан оғиз, сабзидан буруп, пўстак жупидан қош-кўзлар қўйиб бергани-чи! Эҳ-ҳе, шунда болаларнинг олам-олам қувончга тўлгани, Собирнинг эса: «Бизнинг буважон ана шунақа!» деб фахрланганини қўяверасиз.

Нодир бува Собирни бекорга «бийрон, доно» деб

мақтамасди. Собир буважонини ўзининг кутилмаган, баъзан эса қийин саволлари билан ажаблантириб, ҳатто шошириб қўярди.

Бир куни бувасининг елкасида богчага кетаётган Собир, ўзим юраман, деб ерга тушди. Чоңқиллайман деб қоқила-верди. Шунда буваси:

— Кўзингга қараб юр, бўтам,— деганди, Собир:

— Кўзимга нима билан қарайман, буважон? — деб бувасини кулдирди.

Бошқа сафар у, бувасидан сўраб қолди:

— Ақл нимада, буважон?

— Ақл... — Нодир бува ўйлаб олиб, деди. — Бу — эс-хуш. Мияда бўлади.

— Мияда бўлса, уни қанақа қилиб еб бўлади?

— Кимдан эшитдинг бунин?

— Ойим айтди-ку, «ақлингни еб қўйибсан» деб.

Бу ҳам Нодир буванинг соқолини серкиллашиб кулишига сабаб бўлди.

Мактаб ёшига етгач, Собирнинг саволлари хийла жиддийлаша борди. Бир куни телевизорда Қодиржон ҳақида гап бўлувди. Собир бувасига савол берди:

— Буважон, нега дадамни «капитан» дейди-а?

— Дадаг «зангори кема»ни юргизади-ку, капитан-да.

— Кема денгизда бўлади-ку?

— Тўғри,— деди буваси ҳам дарҳол жавоб топиб, — пахта майдони ҳам денгиздай кенг-да...

Қушлар ўтгач, Собир телевизорда кўрган Чопаев, Қошевойларнинг қаҳрамонликлари, Гагариннинг космосга парвози билан боглиқ саволлар бериб, бувасини анча ўйлатадиган қилиб қўйди. Шундан кейин невараси олдида уятга қолмаслик учун Нодир бува ҳам телевизор кўриб турадиган бўлди.

Нодир буванинг Собирни ортиқча ардоқлаши Соттихонга сингмасди, гўё боласи «бузилиб», ўзидан секинқираб қолаётгандай чўчирди. Бола ҳаддидан ошган вақтларда, «тўхтаб тур, дадаг келса, бир айтиб адабнингни бердирай» деб, яниб қўярди.

Қодиржон уйига ҳар замонда бир келарди. У совхознинг донгдор механизатори, илгор бригаданинг бошлиғи бўлиб, вақтининг кўни ишда ўтарди. Кейинги пайтларда чўлга чиқиб, янги ерларни ўзлаштириш билан банд бўляпти. Гоҳо уйга бирров келганда уйдагилар билан бамайлихотир гурунглашиб ўтиришга вақти бўлмас, хотини боласининг шўхликларидан ишқоят қилиб:

— Болага бепарвосиз. Буваси бўлса ортиқча талтайтириб юборяпти. Шу ерда бўлганингизда шумтаканинг ножўяликларини ўз кўзингиз билан кўрадингиз. Йўлга солардингиз, — дерди.

— Ахир сиз борсиз-ку, йўлга соладиган.

— Айтганимга юрмаса, кучим етмаса нима қилай!

— Наҳотки битта болага кучингиз етмаса!

Қодиржонга хотинининг ниқоятлари ортиқча қақшап, тор юраклик бўлиб туюларди. «Хар қанча қақшагани билан Соттихон барибир болани йўлга солиб олади» деб кўнгли тўқ эди. Аслида эса «болани йўлга солиб олиш» учун Соттихонда ҳам вақт етишмаётганлигини, кўпинча бола қаровсиз қолаётганлигини Қодиржон билмасди.

Ёз кунларидан бирида, — кечга яқин. — Қодиржон уйига келса, Соттихон йўқ. Уни кутиб турган эди, қўшни хотин чиқиб Собирдан олиб қолди. Унинг эри қурултойга борганда Москвадан қизчасига ингаловчи қўғирчоқ келтириб берган экан. Қизчаси ҳадеб ингалатаверганидан қўғирчоқнинг овози бўғилиб қолибди. «Овозини очдиргани» уста бувага опчиқиб берган экан, «уста бузармон» Собир бувасининг келишини кутмасданок қўғирчоқни қўлга олган. У ёқ-бу ёғига сим тикиб, болга уриб «лемонт» қилишга киришган-да, овозини бутунлай учуриб қўя қолган. Буни кўриб кўйиб кетган қўшни хотин эрталаб Соттихонга чиққан-да, «Эркангизни тийиб қўйсангиз бўлмайdimи. Кимсан — палончи артист деган мартабангиз бўлса-ю, биттаю-битта болангизни эвломасангиз, нима қилиб юрибсиз!» — деб узиб солган. Соттихон бўлса боласининг айбига иқрор бўлиб узр сўраш ўрнига: «Битта туққан бўлсам ажаб қинман. Мартабамнинг сизга нима дахли бор. Чидаганга чиқарган!» деб юмма талабди. Қўшни хотин шуларни оқизмай-томизмай Қодиржонга айтиб берди.

Қодиржон ноиниб турар, уни совхоз директори чақиртирганди. Шунга қарамай, тоқат билан хотинини кутди. Ясанган-тусанган Соттихон кечроқ кириб келди. Яқиндагина кўчадан велосипедчасида қайтган Собир дадасига эркаланиб турганди. Дадасининг ойисига совуқроқ қараганини пайқади-ю, велосипедчасини сургаб нари кетди. Соттихонининг анча йўл босиб чарчагани оншоқ бетларининг апордай қизариб нишгани, қуралай кўзларининг лак-лак ичига тушганидан билиниб турарди. Кутилмаганда Қодиржоннинг:

— Мунча кеч келдингиз! Қаерларда юрибсиз? — деб суриштириб қолиши Соттихонга оғир ботди. Лекин у зўрақ илжайиб, деди:

— Ия, ҳа дадаси, ўзингиз бир ҳафта деганда бир кўринибсиз-у, мунча ихтисоб қилмасангиз...

— Мен юрган бўлсам, иш билан юрибман. Дала иши қараб турмайди. Сиз-чи? — Қодиржон ўзини босишга уринса ҳам, йўғон овозининг қалтираши, йирик кўзларининг чақнашидан аччиғи қистагани сезилиб турарди.

— Мен ҳам иш билан... — деди-да, Соттихон ичкари хонага кириб кетди. Кишилиқ кийимини ўзгартиб, газ плитага чойнакни қўйиб келгунча Қодиржон айвон лабида хумрайиб утирди.

— Мунча қовоғингиздан қор ёгилмаса, дадаси. Жуда осмон узилиб ерга тушибдими!

— Эшик ланг очиқ. Болангиз кўчаларда тентираб юрибди. Ахир бугун якшанба, хизматчиларга ҳордиқ куни-ку.

— «Ҳордиқ» эмиш. Билиб туриб гапирасиз-а! Даладагиларга йўқ ҳордиқ бизга бўлармиди. Хотин-қизларнинг уйида юмуши, рўзғор, бола-чақаси бор-ку, деб ким суриштирарди. Иш буюраверади-да.

— Ким экан суриштирамай иш буюрадиган? — деди Қодиржон зардаси қайнаб. (Буни Собир эшитмадимикин деб парига кўз ташлади. Собир эса буvasининг ишхонаси ёнида велосипедчаси билан куйманиб ўтирарди-ю, қулоғи бу ёқда эди.)

— Катталар... — деди-да, Соттихон чойга қараш бахонасида ўйлаб олди. Қодиржон пайваста қошларини чимирганча аниқ жавоб кутарди. — Директорингиз...

— Нима иш буюрди директор?

— Совхознинг бир бўлимида йиғин боракан...

Қодиржон сал шаштидан тушди. Директорнинг ходимларга вақт-бемаҳал иш буюраверишинида ўзича диққат бўлди. Хотини дамлаб келган чойдан индамай ўтириб ича бошлади. Нарироқда велосипедчасини чангдан тозалаётиб, дадаси билан ойиси ўртасидаги машмашадан эзилаётган Собир ҳам енгил тин олди. У дадаси олдиға қайтиб бораётганди, даҳлизда телефон жириглади. Қодиржон кириб, қулоқ солди.

— Алло... Ҳа, ҳа, анча ушланиб қолдим. Уйда Соттихон йўқ эканлар... Ўзингиз бир мажлисга юборган экансиз-ку... А... Шунақами?... Хўп, ҳозир бораман...

Қодиржоннинг авзойи бояғидан баттар бўлиб чиқди.

Чўл ҳавосида қорайган тарам-тарам бетлари худди чўян-дай упиқиб кетган кўринди Собирга.

— Директор бўлим мажлиси кундузги овқат маҳалида бўлиб ўтганди деяпти-ку?..

— Концерти чўзилиб кетди-да, дадаси... Иннайкейин, ҳордиқ куни ишлаганимиз учун қўшимча даромад унади...

Қодиржоннинг томогига нимадир тиқилиб келгандай огир ютинди. Оғзидан аччиқроқ бир сўз чиқиб кетай деганда, бўзрайиб турган ўғилчасига кўзи тушди-ю, қайтарди ва ўзини босиб, деди:

— Унақанги даромаднинг нима кераги бор. Ўзимизнинг топганимиз етмаяптими?

— Вой, бўлса ортиқчалик қилмас, дадаси. Рўзгор, орзу-ҳавас деган нарсa бор...

Соттихон «орзу-ҳавас» деганда кийим-кечак, зеб-зийнати тушуниши Қодиржонга аён эди. Янги кийиму тақинчоқлар билан кунига бир турли бўлиб безаниб чиқиши, кўни-қўшни аёллардан ўзини баланд олиши, димоғдорлиги билан ажралиб турарди. Унинг бу феъли мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ кўринганди. У собиқ колхоз раисининг арзанда қизи бўлиб, эрка ўсган, дугоналари ва ҳатто ўқитувчилари олдида ҳам ўзини хийла ўктам ва эркин тутарди. Дугоналари Соттихоннинг бу феълини жилла ёқтиришмаса-да, аммо ундаги ўйин ва ашулага булган қобилиятни таи олиб, ҳавасланиб қарашарди. Соттихон аввал мактаб бадий ҳаваскорлар тўғарагига, сўнгра совхоз ансамблига актив қатнашадиган бўлди. Мактабни битириш йили комсомол ташкилоти янги бир ташаббус қўзғади: қизлардан терим машинасига ҳайдовчи тайёрлайдиган курс очилди. Дугоналари курсга ёзилишганда Соттихон четда қололмади. Уларга раҳбар қилиб тажрибали механизатор Қодиржон Подиров тайинланди. Йиғим-терим даври келганда бу қизлардан ҳар бири биттадан «зангори кема»нинг рулини бошқарди. Механизатор қизларнинг овозаси ҳар ёққа кетди. Уларнинг газетада чиққан суратлари ичида комбинезон кийиб, қўнғир сочини бошига турмаклаган сулув қиз Соттихон ҳам бор эди. Кейинги йил унга Қодиржон уйланди. Битта бригадада, битта машинаи навбат билан миннишиб, бир-бирини суяшиб ишловчи бу келиш-куёв ҳамма ёшларга ибрат эди. Аммо уларнинг аҳилчилигига кўз тегди. Соттихон бола кўргач, далага чиқмай қўйди. Болани яслига жойлашгандан кейин, Қодиржон «Энди ишга чиқинг» деди. Соттихон кўнмади. Тез-тез совхоз ансамблига борадиган бўлди. Унинг ҳаваскорлиги

Қодиржонга малол келмасди-ю, аммо ҳаваскорлик деб, асосий иш — зарур касбдан ажраланишга асло рози бўлмасди. Қодиржон шундан гап очганда, Соттихон: «Қўйинг. Қачонгача аёл киши қора мойга беланиб юраман. Ўша ишингизда косам оқарармиди!» дерди. Қодиржон «Бу ганингиз хато. Механизаторлик қилиб юзага чиққан, эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонган аёллар камми!» деса ҳам, қулоқ солмайди. Соттихон ансамблда хуш овозли ашулachi бўлиб, янги-янги лапарлари билан анча обрў орттирган эди. Уни лапарчиларга бошлиқ қилиб, маошини озгина ошириб қўйинган эди. Ансамблининг совхоз Санъат саройида, бўлим ишйионларида ўтадиган планли чиқиндиларидан таниқари, у ёқ-бу ёқдан таклифлар бўлиб турарди. Тўйми, зиёфатми қилган одам санъатчиларни қуруқ қайтармасди, албатта. Соттихонни қизиқтириб, тилини узун қилган нарсалардан бири шу эдики, буни у эрига асло билдирмасди, билдиролмасди ҳам. Мана бугун гап орасида салгина шу нарсанинг учи чиқини билан Қодиржоннинг дили қанчалик сиёҳ бўлди.

Уни директор кутаётган эди. Чиқиб кетатуриб, Собир эшитмайдиган наст овозда Соттихонга қўшини хотишининг шикоятини эслатди:

— Болаңгиз қилгуликини қилибди-ю, тагин сиз баланд келиб қўшинини ранжитганингиз ортиқча. Ундан узр сўраш керак!

— Э, сиз қўшиниларни билмайсиз. Ҳар нарсадан баҳс топиб боламини ҳам, ўзимни ҳам камситмоқчи бўлишади. Нега десаңгиз, менинг обрў-иззатларимни кўришолмайди! — деб яна ўзиникини маъқуллаб қолди Соттихон. (Тагин ҳам Соттихон, баъзи бир юраги тор, огзи бўш кампирларнинг уни «яллагчи» деб камситишларини билмасди.)

Собир олдинлари ойиси билан дадаси ўртасида чиқади-ган гиди-бидининг унча тагига етолмасди. Буига фақат ўзининг шўхликлари сабаб бўлаётгандай сезарди. У мактаб ўқувчиси бўлиб, ёши ва ақли тўлинган сари уйдаги келишмовчиликлар сабаби чуқурроқ эканини тушуна бошлади, бу нарса ўзининг бемалол яхши ўқиши, яйраб-яшнаб юришига халал бераётгандай бўлди. Уйга энди ўқитувчилар келади-ган, ота ва онасини мактабга чақириб, болага бепарво қараида айблайдиган бўлишди. Бир сафар синф раҳбарининг Соттихонга: «Ўғилчаңгиз ўзи қобилиятли, зеҳни ўткир. Дарсларни тез ўқиб олади.

Фақат тайёрланмасдан боради. Агар унга уйда тузук қарасаларинг, ўзини қўлга олса, аъло ўқувчи бўлоларди!» деганини Собир эшитиб қолди. Синф раҳбарининг сўзида Собир ўзига ачиниш билан, ойисидан ўнкаланиш сизди. У ўйлаб кетди: «Ойимнинг дадамдан ҳар нарсага гап эшитавериши каммиди. Энди ўқитувчидан ҳам эшитаверадими. Мен учун-а? Нима, мен энди ёш боламанми? Катталар мениг оғзимга чайнаб солиб қўйишлари керакми?» У ойисини таъналардан қутқаргиси келиб, ўз юриш-туришини ўзгартмоқчи бўлади. Ишни албатта дарс тайёрлашдан бошлаш керак. Уйда уни ҳеч ким тергамаса ҳам ўзича ўтириб китоб, дафтарларини очади. Энг қийини нима? Албатта, математика-ю, физика. «Ўани, Собирвой, ўзингни қўлга ол, миянгни жойига қўй, зехнинг ўткирлигини бир кўрсатгин...» Ана шундай деб энди қийин масалани чиқаришга киришганда, кўчадан болаларнинг қий-чуви эшитилиб қолди. «Улар нима ўйин бошлашдийкин, хўп маза қилишяпти шекилли-а?..» Собирнинг юраги ҳанқариб кетади, кўринмас бир куч уни қандай қилиб кўчага судраб чиққанини ўзи ҳам билмай қолади. Аввал шундоққина эшикнинг ўзидан болаларга кўз ташлаб олмоқчи бўлади. Ўарасаки, иш катта: болалар тол повдасидан қиличлар ясашиб, бири буқачага, бири хўтикка, бири итга миниб олишиб, будённийча жанг қилишяпти! Бошқа чурвақалар эса: «Ур калласига, сол оч биқинига!» деб қиличбозларни гиж-гижлатишяпти. Эҳ-ҳе, шундоқ ажойиб томошадан куруқ қолиб бўларканми! Собир демаганингиз, буvasининг иш бурчагидан олган темир билан қуролланиб, зум ўтмай жанг майдонининг қоқ ўртасида қилич ярқирата бошлади. Бошқа ҳамма ташвишлар миясидан ёз чуғурчиқларидай париллаб учиб кетди.

Одамнинг «ўзини қўлга олиши» нақадар мушкуллиги эртаси ўқитувчи математикадан сўрагандагина эсига тушди.

Собир юраги безиллаб, ойисининг навбатдаги терганини, «шумтака»дан олиб «шумтака»га солиб қарганини кутади. Дадажонини кўргиси келади. Лекин дадасининг келишидан ҳам чўчиб туради. Келса яна уйда гиди-биди бошланиши мумкин-да. Шунинг учун ҳам у иложки борича ўзини ойиси кўзидан четроққа тортадиган бўлди. Бўш пайтда «ўртоқларим билан дарс тайёрлайман» деб нап-касини қўлтиқлаб кетади. Баъзан эски ён қўшнисини — ҳозир совхознинг янги посёлкасида яшовчи мактабдоши

Раисаникига йўл олади. Хордиқ ва каникул кунлари эса велосипедда янги ерга — дадаси олдига учади. Дада-сини кўриш, ишларига боқишини баҳонасида бориб, унинг машинасига миниб турмаса хумор қиларди...

III боб.

БЕЗОВТА КЎКЛАМ

Собир охирги синфга ўтгандан бошлаб, дадаси уни янги ерга бормайдиган қилиб қўйди. «Вақтни беҳудда кетказмасдан, кўпроқ ўтириб дарс тайёрлагин», дея қаттиқ тайинлади. Соттихоннинг бепарволигини билгани учун ўзи уйга бир ҳафта-ўн кунда келиб, ўглининг ўқишини суриштириб кетарди. Бу ҳам қишда барҳам еди.

Шу йили қиш бениҳоят оғир келди, узоққа чўзилди.

Ҳафталаб тинмай гуппа-гуппа ёққан қор дала-даштларни тизза баравар қоплади.

Бирмунча вақт йўлларда ҳаракат тўхтаб қолди.

Совуқ шу қадар қаҳрига олдики, ташқарига чиққан едамни аждаҳодай ютаман, дерди.

Одамлар ва машиналар пахта далаларини шудгор қилиш, шўр ювиш, гўнг ташиш ўрнига, қор суриб йўл очиш билан банд бўлиб қолишди.

Нодир бува қайғуга тушди: «Бунақанги оғир қишни қирқ-эллик йил бадалида кўрмаганман Деҳқонларни шўри бўлди бу. Энди экин-тикин кечиқиб, ташвиш кўпаяди. Айниқса, яйловлардаги чорва молларга жавр бўлди, анча-гипа эчки, қўй совқотиб қирилди», — деди йиғламоқдан бери бўлиб. Кўп қатори унинг ҳам ҳаловати бузилган. Кечасию кундузи кўзи осмонда. Юлдузлар милтиллашиб кўринган тун тинчроқ ухласа, кўк бетини булутлар подаси қоплаб олганда оромини йўқотади.

Бир куни ҳавонинг турқи сал очилганда Нодир бува неварасига: «Кенжам, дадангни аҳволи нима кечдийкин, дом-дараги йўқ. Энди ўзинг бориб хабар олмасанг бўлмайди», — деди.

Март ўрталари, қишнинг заҳри камайган. Илк кўк-ламнинг «эшак ўлдирадиган» нимхуш офтоби кўпдан дарахт шохларига маҳкам қўниб ётган қор пардасини тутдай қоқа бошлаган, далалардаги қават-қават қор кўрпасини бирмунча енгиллатган, қолганини чўл шамоли ялаб битира бошлаган. Фақат кунга тескари жойлар ва

жарликларда ўт-ўланларча эриб бўлгунча йўқ эди.

Изгиринда роса совқотиб Собир йўлининг ярмини пиёда, ярмини йўловчи машинада босди. Янги ерга етиб олди. Бош-кетики кўз илгамас далалар хувиллаб ётарди. Ҳали ҳам ерлар хамирдай кўпчиб турибди. Ана кимдир таваккал қилиб тракторни далага солмоқчи бўлган экан, трактор лойга ботганча қолибди. Қиши билан очиққан гала-гала зотчалар ғўзапоялар остидан овқат излаб учинмоқда. Даладагинамас, йўл ёқасидаги бригада шийпонида ҳам одам йўқ. Бир қария қоровул ивирсиб юрибди. Қария Собирга:

— Дадангни шу тобда «Алпомиш кўли»дан топсанг керак,— деди.

— Нима учун кетган у ерга?

— Сув чиқаргани.

— А-а, кўлга сув чиқариш?..— Собир ҳайрон бўлди.

— Даданг айтмаганмиди? «Алпомиш кўли» деганимиз ҳов анув тепаликлар орасига бекинган яйлов,— деб чол янги ернинг юқори тарафидаги баландликни кўрсатди.— Бир замонлар ўша ерда кўл бўлиб, Алпомиш шу ерда жанг қилган, дейишади. Замонлар ўтган-у кўл қуриб қолган. Энди унга бизникилар янги каналдан насос станса билан сув чиқариш ҳаракатида. Даданг тинмагур уларга бош.

Собир сув чиқариб нима қиларкан дегандай ҳамон таажжубда эди. Чол қўшиб қўйди:

— Ўша тепаликни экинзор қилмоқчи, бу ёқда шунча қўриқ очилгани етмагандай...

Қоровул Собирга яйдоқ шудгор этагидан кесиб ўтган канал тарафни кўрсатиб юборди. Собир кўпол кир-за этигининг кўнжигача лой кечиб, канал ёқалаб бораётганда, орқадан мотоциклда бир чол етиб келди. Оқиш-малла сочлари елкасига ҳурпайиб тушган, ўсиқ қоллари кўзини беркитган, зўр гавдали бу чол — Раисанинг тутинган отаси, совхоз устахонасининг механиги Антон бобой эди. У Нодир буванинг эски қадрдони, Қодиржоннинг устози. Қодиржон қаерда бўлса, устози ҳам ўша ерда бўлгунча эди.

— Қани, чиқ,— деб чол Собирни мотоциклга мингаштирди. Бу камгап чол Собирнинг ўз дадасини излаб юрганини сўрамасданоқ билди. Йўл бўйи гапирган гапи

шу бўлди.— Қиш ташвишлари одамларни сарсон қилиб қўйди-да...

Улар бийдай чўлнинг бир чеккаси — канал дарвозасига етиб боришди. Одамлару машиналар ана шу ерда экан. Улар канал қирғоғида уймаланишиб, қандайдир машина ўрнатишпти. «Насос станса дегани шумикин-а?» Собир шовқин-сурон кўтариб ишлаётганлар орасидан дадасини қидирди. Аммо бир хилдаги брезент иш кийими кийган одамларни бир-биридан ажратиш қийин эди. Собир югуриб станцияга бетон ётқизаётганлар ичига борди, кейин станциядан бошлаб тепа тарафга пўлат қувур ётқизаётганлар ёнига чопди. У ерда ҳам дадасини учратмагач, трактор моторлари қуввати билан қувурларни чирт-чирт эткизиб пайванд қилаётганлар олдига келди. Антон бобой эса уни ўз ёнига чақириб:

— Сен беҳуда югураверма. Даданг Марказий посёлкада. Ҳозир олдига борамиз,— деди-ю, тепа ёнбағридаги омонат қўққайтирилган чайлага чиқди, чайланинг тахта сарровига илинган рельс парчасини қокди.

Бемаҳал чалинган занг овозига ажабланган ишчилар ишини тўхтатишиб, говур-гувур қилишганча чайлага тўпланишди. Антон бобой «пима гап» деб ўз оғзига тикилган йигирмага яқин йигитни тахталарга ўтқизди. Иложи борича ўз ҳаяжонини босган ҳолда, йигитларга нохуш бир хабарни маълум қилди: дарёда тошқин хавфи пайдо бўлибди. Зудлик билан ҳаммалари керакли нарсаларни олиб, район марказига етиб боришлари зарур экан. Қодиржоннинг ўз бригадасига буйруғи шундай бўлибди...

Қишнинг оғир ташвишларини ҳали унутмаган одамларни бу хабар чилла совугидан баттар жунжиқтирди. Аммо лом-мим демай, шу ондаёқ йўлга отланишди. Икки юк машинага белкурак, лом, болта, кетмонлар, арқон, сим ва тахта-ёғочларни тирбанд қилиб ортишди. Учинчи машинага йигитлар чиқишди. Антон бобой эса Собирни мотоциклга мингантириб, карвоннинг олдида юрди...

Шундагина Собир бобойдан ўз дадасининг Марказий посёлкада нима қилаётганини сўрай олди.

— Дадангми?.. Кеча олдимга борувди, марказий устaxonага. Ўз машиналарининг ремонтдан хабар олгани. Машиналар ремонтти секинроқ бораётган эди. Шуни кўрди-ю фигони чиқиб: «Баҳор эшик тақиллатиб келяпти. Ҳаво сал исини билан ер ҳайдовини

бошланганимиз керак. Бу имиллашингизда қачон ер ҳайдаймиз-у, қачон экамиз!» деб хафаланди. Ўз бригадасига тегишли уч трактордан биттаси тайёр бўи қолганди, ўзи қараниб кечгача тахт қилди-да, шуни олиб кетмоқчи бўлди. «Бари битени, бир йўла олиб кетасан» деб бош инженер рухсат бермади. Дадаиғ бўлса: «Барини кутиб ўтиришга фурсат йўқ. Мен дала ичимни бошлаб юборишим керак. Бир кун ҳам ганимат!» — деди-да, шартта тракторни тариллатганча мииниб жўнади. Бош инженер: «Ҳой, тўхта дейман, кўприкдан ҳам ўтолмайсан!» — деб уни тўхтатмоқчи бўлди, қани дадаиғ кулоқ солса. Дарёга шуидоққина яқинлашганда, бир ёқдан от чонтириб келаётган совхоз директори йўлини тусиб чиқди. Директор ёнига кўприк тузатаётганлар келиб қўшилиниди-ю, дадаиғни трактордан юлқиб туширинди. Директор: «Бу қанақа таваккалчилик! Қўзиниғ борми, кўприк бузуқ-ку!» деса, дадаиғ: «Йилардим. Қўйиб берсангиз ўтиб кетардим!» — дейди. Яхшиям вақтида ушлаб қолинигани. Бўямаса-чи, худо кўрсатмасин... Кўприкиниғ ёғочлари қин ичи қор-муз тағида тоб ташлаб, лиқиллаб қолган эди. Тунов кун битта оғир машина юк-нуки билан дарёга ағдарилган, шофёрини базўр қутқарилиб олинган экан, ҳа, инон. Ҳозир десаиғ, одамлар бир ёқдан кўприкини тузатиш, бир ёқдан тошқининиғ олдини олин ҳаракатиға тушинган. Дадаиғ ҳам ўшалар ичида...

Карвондагилар йўл-йўлакай кўкламниинг ғалати қилиқларини кўриб бориинди. Шиддатли шамол жуда настилаб кетган қора булутларни гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа нодадай ҳайдаб юрибди. Ҳозиргина ўтилган қишлоққа кун чиқиб турган бўлса, нариги қишлоққа етганларида шариллаб ёмғир қуйиб юборади. Ҳаво йилт этган жойларда машиналар ва одамлар дув далага ёпирилишса, кун ўтмасдан қарабсизки, ҳаво тумнайиб олиб, жала таққа ишиниғ белиға тепади.

— Табиатниинг бемаврид қилиқлари одамларниинг ҳам жигиға тегиб кетди-да! — дейди ўзича мингиллаб Антон бобой. — Қини билан-ку, гуша-гуша қор ташлаб ер бетини яширди. Қачон илиқ кўклам келиб, қатлам-қатлам қор-музларни эритиб юборади-ю, дала жамолини кўрамиз деб нақ энтикиб туришувди. Ўзини узоқ вақт азиз қилган кўклам бўлса оламжаҳон ғалвани эргаштириб келди!..

Карвон Марказга яқинлашиб борганда, манзара ўзгар-

ди. Бу ерларда ҳаво икки-уч кун кулиб турган экан, экин-тикин тараддуди бошланиб кетибди. Қорлар эриши биланоқ шудгорларга ёпирилиб «ўлжа» талашаётган оч зогча, қузғун галалари ҳар томондан босиб келаётган тракторларга ноилож жой бўшашиб бермоқдалар. Офтоб нурида ялт-юлт этиб кетмон, белкураклар кўришиб қолади: далани соғинишган йигит-қизлар чуввос солиб ариқ-зовурларни тозалашяпти, ер бошларига ўғит ташишяпти, дала шийпонларини тартибга солишяпти, йўлларни текислашяпти.

Бошда Собир ўзини худди қандайдир ёв қувувчи баҳодирлар орасида бораётгандай ҳис этганди. Энди эса қаерга, нима тапвиш билан кетишаётганини билолмасдан:

— Бу ёқлар тинч-ку, Антон бобой? — деб қўйди.

— Тўхтаб тур,— деди бобой ва сўл юрилгач уфқда саробдай йилтиллаган нарсани кўрсатди.— Ана, ана дарё тошқини шарпаси!..

Илгариланган сари «тошқин шарпаси кўлга айланди, у кенгая бориб бош-кели кўринмай қолди. Анча нарида пишқириб оқаётган дарёнинг икки қирғоғига тошган сув анчагина экин майдонини босиб кетибди. Аҳён-аҳёнда сув ўртасида «орол» бўлиб қолган бостирмалар кўзга аялчан ташланади. Қодиржоннинг одамлари, ён-верларига сув етиб келган торғина тош йўл орқали бориб, лиқиллаб қолган кўприк ёнида тўхташди. Бу ерда таҳлика зўр. Машиналар, одамлар тўдалашган. Соқол-мўйлови ўсиб, кўзлари киртайиб кетган Қодиржон ҳам шу ерда, от жиловини тутган поргул бир одам билан сўзлашиб турибди. Собирнинг кўзига дадаси шу ойлар ичида анча ориқлаб кетгандай кўринди. Югура бориб унга ёпишди. Ўглини кўриб, Қодиржоннинг каналаги учди:

— Тинчликми? Қандай топиб келдинг? Ким юборди?

Собир ундан қаттиқ хавотир олишгани, буваси юборганини айтса ҳам, Қодиржон қойиб берди.

— Ҳойнаҳой, сен ўзбошимчалик қилиб келгансан...

Унинг сўзи одамларнинг говурида бўлинди. Қуршаб турган йигитларга директор ган уқтирмоқда эди. Гапларидан Собир шуларни аглади: бу қинининг авзойига қараб билимдонлар тошқин хавфи борлигини олдиндан айтишган экан. Сунгги кунлар ҳаво илган сайин дарёда сув кўпайиб қирғоққа санчий бошлаган. Район марказида яшовчи аҳоли туни бодор ўтказган. Азонга бориб

дарёининг юкори қисмидан даҳшатли қасир-қусур эшитила бошлаган. Радиодан:

— «Муз кўчяпти! Муз кўчяпти!» — деган ташвишли хабар эшиттирилган.

Каттаю кичик галаёнга тушиб, қирғоққа ёпирилиб чиққан. Бошлиқларнинг кўрсатмаси билан одамлар ва машиналар ҳар ёқдан шох-шаббалар, ёғоч-тахталар, қум-тупроқ тўлдирилган қонлар келтириб, сув тошиб чиқай деб турган паст қирғоқларга боса бошлаган. Экскаватор, бульдозерлар тупроқ суриб дамба қилишга киришганлар. Мана энди Қодиржоннинг йигитлари ҳам буйруқ кутиб турмай, машина, асбоблари билан шу ҳаракатга қўшилишиб кетишди.

Соат сайини дарёда сув кўпайиб, катта-катта музларни оқизиб кела бошлаганди. Директор портлатувчиларга чопар юборилганлигини айтди. Аммо портлатувчилар келгунча кутиб ўтирсалар бўлмайдиганга ўхшайди. Музларнинг бир-бирига тарс-тарс урилиб келаётгани, энг йириклари кўприк ёнига тиралиб қолаётганини кўраркан, Қодиржон ваҳимага тушди.

— Буларни тезроқ парчалаб ташланмаса, кўприкни кўтариб кетади-ку!

— Ҳа, унда йўл кесилиб қолади! Бутун посёлкани сув босади! Ариқлар, каналларни ўпириб кетади!

Қодиржоннинг назарида не-не ниятлар билан бошлаган насос станция қурилиши ҳам барбод бўлаётгандай, тракторлар бериги қирғоққа ўтолмай дала ишлари ора йўлда қолиб кетадигандай туюлди.

Ишбошилар нажот истаб йигитларга термилишди.

Йигитлар ҳам бу хавфни яхши тушуниб туришганди.

— Ишни нимадан бошлаш керак?.. — ҳамма пишқираётган дарёга тикилиб, шуни ўйларди.

Ана, музлар бир-бирига кўпроқ тиралиб, сувни тобора баландроқ кўтармоқда. Энди сув кўприкнинг чеккаларини ялаб, ташқарига сапчиш учун ўзига йўл очмоқда!

Қодиржон, ўйчи ўйлагунча таваккалчи иш битиради, қабилида йўл тутмоқчи бўлди. Қалин камарини брезент куртка устидан сиқиб тортди. Бир қўлига узун сопи болта, бир қўлига лом тутди. Қирғоққа борди-да, ҳозиргина оқиб келган катта муз устига ўзини отди. Унинг бежо ҳаракатини ҳаяжон ичида кузатиб турган йигитлар бетоқат бўлиб, ўзларини унинг ёнига чоғлашди. Улар-

